

**ЗАМАХШАРИЙНИНГ “НАВОБИҒ АЛ-КАЛИМ” АСАРИ МУҲИМ АДАБИЙ  
МАНБА****Турсунов Абдулатиф***Тошкент давлат шарқшунослик университети магистранти*

Аллома Маҳмуд Замахшарий ўзининг илмий салоҳияти, асарлари билан маънавиятимиз тарихидан муносиб ўрин олган пешқадам олимлардан бири ҳисобланади. Мустақиллигимиз даврида ўтмиш маънавий меросимиз дурдоналарини ўрганишга катта имкониятлар яратилганлиги Маҳмуд Замахшарий илмий мероси устида кенг таҳлилий изланишлар олиб боришга тurtки бўлди. Жумладан, яқин вақтларга қадар алломанинг элликка яқин асарлар ёзганлиги ҳақидаги маълумотга эга эдик. Бугунга келиб эса, унинг қаламига олтмиш олтита асар мансублиги, улардан қирқтаси аниқланган ва жаҳон қўлёзма фондларида сақланаётганлиги маълум.

Маҳмуд Замахшарий қуръоншунослик, фикҳ, адабиётшунослик, луғатшунослик, дидактика, география, аруз, мантиқ ва шеърят каби қатор фанларга бағишланган асарлар яратган.

Замахшарийнинг чуқур билими ва нодир асарлари унинг ҳаётлик чоғидаёқ дунё олимлари томонидан эътироф этилган. Юксак ҳурмат ва эҳтиром билан унга “Устозуд дуня” (Бутун дунёнинг устози), “Устозул араб вал-ажам” (Араблар ва араб бўлмаганларнинг устози), “Фахру Хоразм” (Хоразм фаҳри), “Каъбатул удабо” (Адиблар Каъбаси), “Жоруллох” (Аллоҳнинг қўшниси) каби юксак унвонлар берилган.

Маҳмуд Замахшарийнинг ички дунёси, ахлоқий қарашлари унинг “Атвоқ аз-заҳаб фил-мавоъиз вал-хутаб” (Ўғит ва насиҳатларнинг олтин шодалари), “Навобиғ ал-калим” (Нозик иборалар) “Мақомот” (Мақомотлар), “Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахбор” (Тақводорлар баҳори ва хабарлар баёни) каби қатор йирик асарларида ўз аксини топган. Алломанинг бу асарлари яратилган давриданок олимларнинг диққат эътиборини тортган ва уларга бағишланган кўплаб шарҳлар яратилган. Жумладан, “Атвоқ аз-заҳаб” асарига Шарафиддин Исфаҳоний XIII асрда шарҳ ёзиб, уни “Атвоқ аз-заҳаб” (Олтин ликобчалар) деб атади. Унинг муқаддимасида олим Замахшарийнинг юқоридаги асарини ўқиб чиққани ва ғоятда таъсирланиб, унга ўхшаш асар ёзишга киришганини айтади.

“Навобиғ ал-калим” асари Замахшарийнинг қаламига мунсуб экани борасида тадқиқотчилар ўртасида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Чунки Замахшарийнинг биографиясини ёритган олимлар ушбу асар айнан унинг қаламига мунсуб эканини таъкидлашган. қолаверса, Замахшарийнинг ўзи ҳам кўплаб бошқа асарларида “Навобиғ ал-калим” номини зикр қилиб ўтган. Жумладан, у ўзининг шоҳ асари “Ал-Кашшоф ан ҳақоик ит-танзийл ва уйун илгақовийл фи вужуҳ ит-таъвийл” (“Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш”) номли тафсирида икки марта, “Рабиул аброр” асарида ўн тўққиз марта, “Мақомот”га ёзган ҳошиясида беш

марта, “Асасул балоға” асарида эса икки марта “Навобиф ал-калим” номини тилга олган.

Лекин кўплаб қўлёзма нусхаларда ҳамда тарих, тазкира, табақот китобларида “Навобиф ал-калим” асарининг номи турлича келтирилганини гувоҳи бўлиш мумкин. Тадқиқотчи доктор Ҳамза Бакрийнинг фикрича асар номи асосан тўртта ўзаро бир-бирига яқин кўринишда юритилгани кузатилади:

1. (نوابغ الكلم) “Навобиф ал-калим”. Абдулқодир Бағдодий ўзининг “Хизонатул адаб”<sup>177</sup> китобида ва Ҳожи Халифа “Кашфуз зунун”<sup>178</sup> асарида ушбу ном билан келтириб ўтган.

2. (الكلم النوابغ) “Ал-калимун навобиф”. Салоҳ Сафадий, Ёқут Ҳимабий, Суютий, Тошқуброзда, Мақаррийлар ўзларининг асарларида шундай номлашган.

3. (النوابغ) “Ан-Навобиф”. Хаюқий ўзининг шарҳини шу исмга мувофиқ тарзда (السوابغ في شرح النوابغ) “Ас-Савабиф фи шарҳин навобиф” деб номлаган. Шунингдек, Аллома Тафтазоний ҳам ўзининг шарҳини (النعم السوابغ في شرح النوابغ) – “Ан-Ниам ас-савабиф фи шарҳи Ан-Навобиф” деб номлаган. У ўзининг ушбу шарҳининг муқаддимасида ҳам рисола номини “Ан-Навобиф” деб атаб, жумладан у шундай деган:

"فان النجيب القاصوي لما استظهر عندي من المقدمة الأدبية نبذا ومال خاطره الى  
أن يحفظ كتاب النوابغ حفظاً"

“Ан-Нажиб Ал-Қазавий”<sup>179</sup> менга адабий муқаддимадан бир қисмини таълим олганида ва кейинчалик “Навобиф”ни ёдлашга фикри мойил бўлганида (ушбу шарҳни ёздим)<sup>180</sup>.

4. (المئة النوابغ) “Ал-миа ан-навбиф”. Ибнул Ҳанбалий ўзининг “саҳмул алҳоз” китобида шундай номлаган.

Ушбу номлардан биринчи ва иккинчиси жуда машҳур. Хусусан биринчи номни Замахшарийнинг ўзи ҳам асарларида келтириб ўтган. Учинчи номга келсак, биринчи ёки иккинчи номнинг қисқартмаси дейиш мумкин. Чунки кўплаб китобларнинг, хусусан ўша китоб талабалар ва мударрислар орасида машҳур бўлса, унинг номини қисқартириб номлаш урф бўлган.

Асар номидаги ушбу турличалик мавжуд эканига таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов ҳам қисқача тўхталиб ўтганлар. Олим “Навобифул калим”нинг ўзбекча таржимаси ҳисобланган “Нозик иборалар” рисоласининг муқаддимасида Замахшарийнинг ёзган асарларини санаб ўтиб, жумладан: “Навобиф ул-калим. Замахшарий Маккада яшаган пайтида ёзилган бу асари

<sup>177</sup> Қаранг: Абдулқодир ибн Умар ал-Бағдодий. Хизанатул адаб ва луббу лубабу лисанул араб. Қоҳира: Мактабатул Хонажи. 6-жуз. –Б.462.

<sup>178</sup> Қаранг: Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллоҳ Румий. Кашфуз зунун ан асамал кутуб вал-фунун. Байрут: Дору ихё ат-турос ал-арабий. 1951 й. 2-жуз. –Б. 1986.

<sup>179</sup> Қалқашандий ўзининг “Субҳул аъша” номли китоби (6-жуз, 23-бет)да айтишича: “(القاصوي) – Қозавий бу қалам эгаларига нисбатан ишлатиладиган лақаб ҳисобланган. Аслида ушбу сўзни келиб чиқиши “Қози” сўзига бориб тақалади. Маълумки, қозилар шаръий маҳкамалардаги энг юқори ловозим эгаси бўлган. Лекин вақт ўтиши билан қаламкаш, илмли кишиларга нисбатан ҳам “қозавий” шаклида ишлатиш урфга айланган”.

<sup>180</sup> Қаранг: Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ан-Ниам ас-савабиф фи шарҳи Ан-Навобиф. Истанбул: Дорул лубоб. Биринчи нашр. 2018 й. –Б. 100.

“Ал-Калим ан-навобиғ” деб ҳам юритилади” деган<sup>181</sup>.

Ибнул Ҳанбалий асарни “Ал-миа ан-навобиғ” деб атаганига келсак, унинг номидан гўё “Навобиғул калим” даги ҳикматлар сони юзта экани тушунилади. Лекин бу ҳақиқатдан йироқдир. Чунки “Навобиғ” даги ҳикматлар сони уч юздан бироз камроқдир. Қолаверса, бошқа бирор манбада Ибнул Ҳанбалийнинг фикрни қўлланмагани ҳам, ушбу ном билан аташ хато экани эҳтимолини оширади.

Ушбу асарни Замахшарий айнан ким учун ва қайси пайтда ёзгани ҳақида очик тўхталиб ўтмаган. Лекин машҳур адиб Абдулқодир Бағдодий “Навобиғ”нинг ёзилиши “Мақомот”дан кейин бўлган. У жумладан шундай деган:

"ثم صنع الزمخشري المقامات المنسوبة اليه ... وصنع في إثرها نوابغ الكلم"

“Замахшарий ўзига нисбат бериладиган “Ал-Мақомот”ни ёзди. ... ундан кейинок “Навобиғ ал-калим”ни ёзди”<sup>182</sup>.

Доктор Аҳмад Ал-Ҳуфий тадқиқотларига кўра Замахшарийнинг “Мақомот” асарини ҳижрий 512 йили ёзган<sup>183</sup>.

Тадқиқотчи доктор Ҳамза Бакрийга кўра “Навобиғул калим” ёзилиши анча кечроқ, ҳижрий 530 йиллар атрофида эканини тахмин қилади. Унинг фикрича, асар муаллифнинг “Кашшоф”, “Рабиул аброр”, “Асасул балоға” китобларидан кейин ёзилган. Чунки ушбу асарларда ҳам “Навобиғ”да келтирилган кўплаб ҳикматлар сажъ услубида зикр қилинган бўлсада, уни “Навобиғ”га нисбат бермаган. Бундан “Навобиғ”даги ҳикматлар мазкур асарлардаги ҳикматлардан саралаб олинган бўлиши мукин деган эҳтимолни пайдо қилади. Қолаверса, Замахшарий “Навобиғул калим”нинг 267-рақамли ҳикматида Мисрдаги Убайдийлар сулоласидан бўлган бир амирни ишора тарзда танқид қилиб ўтади. Ушбу амир Ал-Ҳофиз лидиниллаҳ (467-544 х.й.) бўлиб, амирлик тахтига ҳижрий 524 йилда ўтиради. У ўз даврида жуда қонхўр ва золим подшоҳлардан ҳисоблангани сабабли Замахшарий уни қоралаб ўтган.

“Навобиғ ал-калим” асари тузулиши жиҳатдан насрий, сажъ услубида ёзилган одоб-ахлоққа оид ҳикматларидан иборатдир. Тадқиқотчи доктор Ҳамза Бакрийнинг фикрича ушбу ҳикматлар Замахшарийнинг ўзи тузган ҳикматлар бўлиб, ўзидан аввалги бирор манбада учратилмайди. Асар басмала билан бошланган бўлсада, ҳамду сано ва салавот ва дурудлар учрамайди. Балки аллома ўз сўзини Аллоҳ таолога муножотдан бошлаган.

Рисоланинг ушбу қисқа муқаддимасидан сўнг ҳикматлар мавзуларга ва фаслларга ажратилмаган тарзда, бирин-кетин келтириб ўтилади. Асарда жами 291 та ҳикмат келтириб ўтилган бўлиб, ушбу ҳикматлар биринчиси қуйидаги ҳикматдан бошланган:

السُّنَّةُ مِنْهَا جِي وَمِنْهَا أَجِي

“Суннат менинг йўлимдир, мен ундан келиб чиқаман”.

<sup>181</sup> Уватов у. Нозик иборалар. – Т.: Камалак. 1992. Уватов.У. Маҳмуд Замахшарий . – Т.: Абдулла Қодирий . 1995. –Б. 27.

<sup>182</sup> Абдулқодир ибн Умар ал-Бағдодий. Хизанатул адаб ва луббу лубабу лисанул араб. Қохира: Мактабатул Хонажи. 6-жуз. –Б.462.

<sup>183</sup>

Ушбу ҳикмат билан Замахшарий ўзининг ҳаёт йўлида тутган асосий мезон Пайғамбар Муҳаммад а.с.нинг суннатлари – кўрсатмалари, одатлари ва ҳаёт тарзлари эканини, барча воқеъликларга ана шу мезондан келиб чиқиб муносабатда бўлишини маълум қилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, “Навобиф ал-калим” асари мавзуларга кўра таснифланмаган. Лекин ундаги ҳикматларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, шартли равишда қуйидаги ўнта мавзуга таснифлаш мумкин:

1. Динга содиқ қолишга, яхши амаллар қилишга ундаш. Бу мавзуда 40 та ҳикмат зикр қилинган.
2. Гўзал ахлоқ мадҳи. Бу мавзуда 20 та ҳикмат зикр қилинган.
3. Турли панд-насиҳатлар. Бу мавзуда 30 та ҳикмат зикр қилинган.
4. Илмнинг фазилати ва олимларнинг даражаси. Бу мавзуда 12 та ҳикмат зикр қилинган.
5. Подшоҳ, амир ва вазирларнинг ҳолати ҳақида. Бу мавзуда 12 та ҳикмат зикр қилинган.
6. Дунё ва унинг ҳолати ҳақида. Бу мавзуда 5 та ҳикмат зикр қилинган.
7. Охират ва унинг ҳолати ҳақида. Бу мавзуда 5 та ҳикмат зикр қилинган.
8. Инсонлардан шикоят ҳақида. Бу мавзуда 5 та ҳикмат зикр қилинган.
9. Фикҳдаги Абу Ҳанифа мазҳабига, ақидада мўтазила тоифасига мақтов. Бу мавзуда 3 та ҳикмат зикр қилинган.
10. Турли масалалар. Бу мавзуда 150 та ҳикмат зикр қилинган.

Ушбу мавзуларнинг хилма-хиллиги ва долзарблигидан асарнинг аҳамиятини, муаллифнинг серқирралигини билиш мумкин. Қолаверса, унда келтирилган ҳикматларнинг қисқа иборалар билан улкан маъноларни ифодалаши – муаллифнинг илмий, луғавий ва стилистик маҳоратини тўла намоён қилган.

“Навобиф ал-калим” асарининг қўлёзмаларидан бир нусхаси Бағдодда Ироқ Миллий музейида (563-рақамда), ундан ташқари Берлинда (8676), Лейденда (891 ва 92-рақамларда) ҳам сақланади. Асар Мустафо Исомуддин томонидан туркчага ҳам таржима қилиниб, 1283 ҳижрий йилда Истамбулда нашр этилган.

“Навобиф ал-калим” асарига кўплаб олимлар томонидан шарҳлар битилган бўлиб, шарҳларнинг кўплигидан ушбу асар илм аҳллари ўртасида нечоғли аҳамият касб этганини билишимиз мумкин. Жумладан, машҳур аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазонийнинг (вафоти 792 ҳижрий йил) “Ан-Ниам ас-савобиф фи шарҳ Ан-Навобиф” асари эътиборга моликдир. Мазкур шарҳнинг илк марта 1286 ҳижрий йилда Қохирада чоп этилган бўлса, ҳижрий 1439 йил (милодий 2018 йил)да Доктор Ҳамза Бакрийнинг тадқиқи остида Истамбулда қайта нашр этилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Камол Жабрий Абҳарий. Аз-Замахшарий: сийратуҳу, осоруху, мазҳубухун наҳвий. Уммон: Дорул жинан нашри. Биринчи нашр. 2014 й. –Б. 413.

2. Карл Броклеман. Тарихул адабил арабий (араб тилига доктор Абдулжалил Ал-Фижор таржима қилган). –Қоҳира: Дорул маориф. 5-жуз. –Б.1975.
3. Маҳмуд Замахшарий. Асасул балоға. Байрут: Дорул кутубил илмийя. Ҳижрий 1419 йил.
4. Маҳмуд Замахшарий. Рабийъ ал-аброр ва нусусил ахёр. Байрут: Муассасатул аълабийя. Ҳижрий 1412 йил.
5. Маҳмуд Замахшарий. Атвоқуз заҳаб фил маваиз вал-хутаб. Қоҳира: Дорул фазила. –Б. 202.
6. Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ан-Ниам ас-савабиғ фи шарҳи Ан-Навобиғ. Истанбул: Дорул лубоб. Биринчи нашр. 2018 й. –Б. 504.
7. Хайруддин ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Зиркли. Ал-аълам. Байрут: Дорул илм лил-малайин. 15-нашр. 2002 йил.
8. Исмоил ибн Муҳаммад Амин Бағдодий. Ийзоҳул макнун физ-зайли ала кашфуз-зунун. Байрут: Дору ихё ат-туросил арабий. 1951 й.
9. Жалолиддин Абдурахмон Ас-Суютий. Буғятул вуот фи табақот ал-луғавийийин ван-нуҳот. Байрут: мактабатул асрийя.
10. Исломов З. М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддаматул-адаб” асаридаги туркий феъллар таҳлили: Филол. фан. ном. дис... автореф. –Т: Тошкент Давлат Университети (ЎзМУ),1993.